



BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI ILMIY AXBOROTI



Научный вестник Бухарского государственного университета
Scientific reports of Bukhara State University

1/2023

1/2023

E-ISSN 2181-1466



9 772181 146004

ISSN 2181-6875



9 772181 687004



@buxdu_uz



@buxdu1



@buxdu1



www.buxdu.uz

Қаюмова Н.М.	воситаларнинг қўлланиши	
Fayziyeva M.Ch.	Amerika va o'zbek badiiy diskursida sadoqat va xiyonat g'oyalari talqini	292
Juraqulova G.M.	Biographic elements in "Jane Eyre" by Charlotte Brontë	296
Kadirova N.A.	Complex nature of the term "motif" in literary criticism, and the analysis of one of its variations on the example of the uzbek folk tale "Mokhistara"	300
Rakhmatova M.M., Fayziyeva Sh.R.	Literature review on the analysis of academic integrity challenges in muslim countries	304
Pulatova S.Sh.	Factors leading to family happiness in the short story "A marriage of convenience" by William Somerset Maugham	310
Xudoyev S.S.	Nemis adabiyotshunosligida topishmoq janrining tadqiq-u tavsifi	314
Zokirova N.S.	Tarjimada lingvokognitiv dunyo manzarasi, lingvistik ong va lingvistik anglashning o'zaro munosabatlari	319
Каримова Д.Х.	Таржмада вариантлик ва инвариантлик тушунчаларининг специфик хусусиятлари	324
Мамадиярова Ю.А.	Бадий таржмада меъморий экфрасис матнлар тахлили	331
Содикова Д.Т.	Муслихабегим Мискин шеърятининг образлар олами ва уларнинг поэтик функцияси	337
Rakhmatova Sh.B.	Reflection of feminism and ecofeminism in Dorris Lessing's work "The cleft"	345
Азимова М.С.	Садриддин Салим Бухорий ижодида ғазал жанри	349
Бабаев О.А.	Жалолiddин Румийнинг «Маснавийи маънавий» асарининг жаҳон адабиётнда ўрганилиши	352
Тўраева Л.О.	Ўрим кўшиқларининг образлар таркиби ва бадий-композицион хусусиятлари	357
Хамдамова С.Б.	Уильям Батлер Йейтс ижодида модернистик шеърый техникаларининг қўлланилиши	362
Vahronova V.B.	Badiiy adabiyotda ijtimoiy munosabatlar va madaniy hayot talqini	368
Qodirova S.A.	"Devonu lug'otit turk" va "Zarbulmasal" asarlarida qo'llanilgan maqollarning qiyosiy-tipologik tahlili	372
Ражабов Т.А.	Замонавий ўзбек шеърятнда бадий кўчимларнинг лисоний-бадий тахлили	376
Норова Н.Б.	Усмон Қўчкор лирикасида тош ва тупрок образларининг қўлланилиши	380
Qurbonova N.R., Mustafoyeva M.A.	Jahon adabiyotida sonet janri tadriji	384
Sayliyeva Z.R.	Ibrohim Haqqul asarlarida tasavvufga munosabat	389
MATNSHUNOSLIK VA MANBASHUNOSLIK *** TEXTOTOLOGY AND LITERARY SOURCE STUDY *** ТЕКСТОЛОГИЯ И ИСТОЧНИКОВЕДЕНИЕ		
Olimova M.S.	Huvaydo she'riyatida tasavvuf ohanglari	395
Vaxtiyorova G.M.	Ahmad Yassaviy toshbosmalarida Qur'on oyatlari talqini	400
"NAVOIY GULSHANI"		
Sayliyeva M.R.	About the artistic world of the great artist	405
HISTORY		
Safarli N.T.	Formation and development of higher education institutions in Nakhchivan during the Soviet era	408
Xaitov Sh. A., Ahmadov A.A.	XX asr boshlarida Rossiya-Afg'oniston savdo-sotiq aloqalari va Afg'oniston armiyasi D.N. Logofet talqinida	415

**МУСЛИХАБЕГИМ МИСКИН ШЕЪРИЯТИНИНГ ОБРАЗЛАР ОЛАМИ ВА УЛАРНИНГ
ПОЭТИК ФУНКЦИЯСИ**

*Содиқова Дилором Турсуновна,
Бухоро давлат университети Ўзбек тили
ва адабиёти кафедраси ўқитувчиси (PhD)
n.s.zokirova@bukdu.uz*

Аннотация. Мақолада шоира шеърятининг образлар олами ва уларнинг поэтик хусусиятлари таҳлилга тортилган. Муслихабегим Мискин шеърятининг асосини сидқан тоат-ибодат талқини, Аллоҳ ва унинг расулига нисбатан дийдор талаблик мотивлари таъкил этади. Шу боис у Мухаммад (а.с.) образини шеърятининг лирик қаҳрамонидан кейинги асосий образига айлантиради. Мақолада Одам (а.с.) ва Ҳаво, Яъқуб (а.с.), Юсуф (а.с.) ва Зулайҳо, Аюб (а.с.), Мусо (а.с.), Довуд (а.с.), Исо (а.с.) ва Марям, Зикриё(а.с.), Иброҳим (а.с.) сингари пайғамбарлар ва улар билан эсланадиган қуръоний қисса қаҳрамонлари, Абу Бакр, Умар, Усмон, Алийи Муртазо, Пайгамбар (а.с.) аҳли байтларидан Ойша, Фотима, Хасан, Хусан, саҳобалардан Укоша сингари қаҳрамонлар образлари Мухаммад (с.а.в.) васф этиши ва дунёнинг ўтқинчилигини бадийий ифодалишида шоира учун муҳим поэтик вазифа бажариши ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: анъанавий қаҳрамонлар, пайгамбар, расул, саҳоба, тоат-ибодат, тасаввуф, муҳаббат, қадамжо, сабру тоқат.

Аннотация. В статье анализируется мир образов поэзии поэта и их поэтические особенности. Поэзия Муслихабегим Мискина основана на трактовке искреннего послушания и преданности Богу и его посланнику. Поэтому она делает образ Мухаммада (а.с.) главным образом своей поэзии после лирического героя. В статье Адам и Ева, Иаков, Юсуф и Зулейха, Аюб, Моисей, Давид, Пророки, такие как Иисус и Марьям, Зикрия, Ибрагим и герои коранических историй, которых помнят вместе с ними, Абу Бакр, Умар, Усман, Алий Муртаза, Пророк (салляллаху аляйхи васаллям) говорится, что образы таких героев, как Айша, Фатима, Хасан, Хусан и Укоша из сподвижников выполняют важную поэтическую задачу для поэтессы, восхваляя Мухаммада и художественно выражая бренность мира.

Ключевые слова традиционные герои, пророк, посланник, спутник, послушание, суфизм, любовь, прогресс, терпение.

Abstract. The article analyzes the world of images of the poet's poetry and their poetic features. Muslihabegim Miskin's poetry is based on the interpretation of sincere obedience and devotion to God and his messenger. Therefore, he makes the image of Muhammad (a.s.) the main image of his poetry after the lyrical hero. In the article, Adam (pbuh) and Eve, Jacob (pbuh), Yusuf (pbuh) and Zulayha, Ayub (pbuh), Moses (pbuh), David (pbuh) Prophets like Jesus (pbuh) and Maryam, Zikriya (pbuh), Ibrahim (pbuh) and the heroes of the Qur'anic stories who are remembered with them, Abu Bakr, Umar, Usman, Aliyi Murtaza, Prophet (pbuh) it is said that the images of heroes such as Aisha, Fatima, Hasan, Husan, and Ukosha from the Companions perform an important poetic task for the poetess in praising Muhammad (pbuh) and artistically expressing the transience of the world.

Key words: traditional heroes, prophet, messenger, companion, obedience, sufism, love, progress, patience.

Қирриш. Бухоролик зуллисонайн шоира Муслихабегимнинг Исломи дини тафаккури билан суғорилган назм намуналарида Аллоҳга, пайғамбарларларга, хусусан, Мухаммад Мустафога мурожаатлар, шу билан бирга, пайғамбарнинг издошлари, аҳли хонадони, пирлар, анъанавий адабий қаҳрамонлар ҳақида фикр юритилади. Бу жиҳат Шарқ адабиётида кенг тарқалганлиги маълум, аммо Мискин ижодидаги мазкур масаланинг ўзига хослиги унда Аллоҳ, пайғамбар ва унинг издошларидан ташқари, эшон ва пирларнинг эътироф этилиши шоиранинг назмиётида ранг-барангликни келтириб чиқаради.

Асосий қисм. Муслихабегим Мискин шеърятини Одам (а.с.) ва Ҳаво, Яъқуб (а.с.), Юсуф (а.с.) ва Зулайҳо, Аюб (а.с.), Мусо (а.с.), Довуд (а.с.), Исо (а.с.) ва Марям, Зикриё(а.с.), Иброҳим (а.с.), Мухаммад (а.с.) сингари пайғамбарлар ва улар билан эсланадиган қуръоний қисса қаҳрамонлари, Иброҳим Адхам, Ғавсул Аъзам – Абдукодир Желоний, Оғойи Бузург – Қизбиби, Бобон Самосий каби

LITERARY CRITICISM

тарикат вакиллари, халифалардан: Абу Бакр, Умар, Усмон, Алийи Муртазо, Пайғамбар (а.с.) аҳли байтларидан Ойша, Фотима, Ҳасан, Ҳусан, саҳобалардан Уккоша, шунингдек, Вомиқ, Узро, Фарход, Ширин, Лайли, Мажнун сингари анъанавий адабий қаҳрамонлар ҳамда Мункар, Накир, Жаброил, Азронл каби фаришталар образларига мурожаат этилади. Шоира шеърятда лирик қаҳрамондан ташқари юқоридаги образлардан ижодий фойдаланилиши унинг қуръоний киссалар, диний афсонаю ривоятлар ва Шарқ мумтоз адабиётидаги анъанавий сюжетлардан ниҳоятда яхши хабардорлигидан далолат беради. Муслихабегим Мискин ижодида Муҳаммад (с.а.в.)нинг шафоатига мушарраф бўлиш истаги устуворлиги боис қуръоний қаҳрамонлар образлари орасида, табиийки, Муҳаммад (с.а.в.) образига мурожаат энг салмоқли эканлиги кузатилади. Шунингдек, бошқа пайғамбарлар, халифалару Пайғамбар (а.с.) аҳли байтлари ва саҳобаларга мурожаат замирида ҳам Муҳаммад (а.с.) образини имкон қадар тўлақонлироқ баъдий ифодалаш адабий нияти туради.

Муслихабегим Мискин шеърятда юқорида номлари келтирган қуръоний қаҳрамонлар образлари орасида Юсуф (а.с.) тимсоли иккинчи ўринда турувчи пайғамбар образи саналади. Ушбу анъанани Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Ҳамидулла Ҳамди ва бошқа бир қатор шоирлар асарларида ҳам учратиш мумкин. Юсуф ва Зулайхо ҳақидаги афсона дастлаб муқаддас диний китоблар таркибидан ўрин олган. Юсуф киссаси Қуръоннинг 12-сурасида жойлашган. Юсуф ўзининг донолиги ва ақлу заковати билан Миср ҳокими даражасига кўтарилади.

Юсуф алайҳиссалом – Еқуб алайҳиссаломнинг ўғли. Аллоҳ унга бемисл хусн ато этгани учун мумтоз адабиётда гўзаллик тимсолига айланган. Мискин девонларида ҳам Юсуф тимсолига алоҳида ўрин ажратилган, унинг хусни ва гўзаллиги таърифланган. Мискиннинг «3и ишқат шаҳи хўбон занам чарх», «Эй осён, эй осён, аз лутфу эҳсон созамат» [1; 56^а варақ], «Ки Лайли аз ғами Мажнун хамша зор мегиряд», «Аё эй офтоби «ва-з-зухо» бар мо нам ораз» [2; 73^а варақ] сингари ғазалларида айнан Юсуф ва Зулайхо образларига талмиҳ этилган адабий лавҳалар учрайди.

Юсуф сифат он рўйи худ аз парда кушойи,

Монандан Зулайхо шуда ман зор занам ракс [1; 42^б варақ]

Мазмуни: Юсуф сифат юзини пардадан кўрсат. Зулайхога ўхшаб мен зор раксга тушсам.

Маълумки, халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиётда Юсуф ниҳоятда гўзал, олийжаноб ва доно шахс сифатида тасвирланади. Шоира Мискин ижодида Юсуфнинг гўзалликда тенги йўқ шахс сифатидаги хусусияти жуда кўп ўринларда улуғланади:

Ки ишқи Юсуфи Мисрий ба дили Зулайхо шуд,

Ки бувад волаю шайдои ў масту хайронаш [1; 16^в варақ].

Мазмуни: Зулайхо дилида Юсуфи Мисрий ишқи бўлди, бундан у масту хайрон бўлиб, нола қилиб юрди.

Тасаввуф адабиётида Одам (а.с.), Нух (а.с.), Иброҳим (а.с.), Юсуф (а.с.), Мусо (а.с.), Сулаймон (а.с.), Исо (а.с.) сингари сиймолар руҳоний сайрга тимсол бўлса, Азозил, Нух қавми, Худ ва Солих қавми, Намруд, Фиръавн, Қорун, Жолут, Абу Жаҳл қабилар нафс даражаларига тимсол бўлиб келади. Шу билан бирга, пайғамбар сиймолар холи тасаввуф адабиётида ранг-баранг мажозий ифодаларни юзага келтиради⁶. Шоира Мискин лирикасида ҳам бу жиҳатлар кўзга ташланади.

Дунёдаги барча динларнинг муқаддас китобларида Одам Ато образи учрайди. Одам Ато ҳақида бир қатор ривоятлар ҳам мавжуд. Бу тимсол ислом, насронийлик ва жудаизмда ердаги инсоннинг энг биринчи аждоди сифатида эътироф этилади. Қуръонга кўра, Аллоҳ томонидан яратилган инсон зотининг отаси. Мискин ижодида «Яктараф дунёи дун, журму исён яктараф» [2; 3^в варақ], «Эй зоти ту маъин дафтари пайғамбари» [2; 7^в варақ], «Осию пур гуноҳам, ё илоҳо, моро мадад» [2; 73^в варақ] каби ғазалларида Одам Ато тимсолига мурожаат этилган:

Одаму Ҳаво кучо шуд, Исою Марям қани?

Яктараф ин Юсуфу, Яъкуби Канъон яктараф?

Келтирилган иктибосда Одам Ҳаво билан бирга, Исо, Марям, Юсуф, Яъкуб номлари келтириб, талмиҳ санъатининг ажойиб намунаси яратилган. Исо образи ҳам Шарқ адабиётида жуда кўп тилга олинади. Хусусан, Саккокий ғазалларида Исо алайҳис-салом образ сифатида талкин этилади. Пайғамбарлар образлари ичида Навоий ғазалиёти учун энг фаол образ Исо Масиҳ образи саналади. «Ҳазойин ул-маъоний» даги 310 ғазалда у билан боғлиқ лавҳаларга ишора қилиниши... улуг шоир томонидан бу образнинг муҳим поэтик функцияларни бажаришга йўналтирилганини англатади [3; 22-6.]. Мазкур тарихий образнинг намоёнлашуви аёл ижодкорлардан шоира Нодиранинг ҳам ғазалларида кўзга ташланади. Муслихабегим Мискиннинг «Яктараф дунёи дун, журму исён яктараф»

LITERARY CRITICISM

[2; 3⁶варақ].» Мусулмонон, жаҳон бевафо-охир фано гардад» [1; 73⁴варақ] сатрлари билан бошланувчи ғазалларда Исо Масих номи тилга олинади:

Қани он Исою Марям, қани Иброҳим Адҳам?

Кучо шуд чумлаги баҳам охир фано гардад.

Марям ислом динида Саида Мариям номи билан машхур бўлган, асосан Ислом ва насронийлик динларида етакчи тимсоллардан бири саналади. Ёзма адабиётда Марям асосан Исо Масихнинг онаси сифатида эътироф этилади ва манбаларда кўпинча Исо пайғамбар номи билан бирга тилга олинади⁷. Муслихабегим Мискин ижодида айнан ушбу узвийлик кўзга ташланади.

Исломда эътироф этилган пайғамбарлардан яна бири Яъқуб (Ёқуб) алайҳис-салом ҳам Муслихабегим Мискиннинг ижод намуналарида кўзга ташланади. Ушбу образ Юсуф алайҳис-саломнинг отаси эканлиги билан ҳам машхур бўлиб, шоира ғазалида уни «Яъқуби Канъон» таърифи билан тилга олади. Мазкур қаҳрамон Шарқ адабиётида, ислом ва насронийлик динларининг муқаддас китобларида ҳам асосан Юсуф билан боғлиқ ҳолатларда эсланади. Яъқуб (а.с.)нинг ўғли Юсуф (а.с.)ни йўқотиб қўйишидан изтиробга тушиб йиғлаганидан халқ безор бўлгани боис унинг шаҳар ташқарисида бир коза қурдириб, шу «Қулбаи аҳзан» – ғам уйида фарёд чеккани, кўзларининг кўр бўлиб қолгани, Юсуфнинг муждаси билан бу кўзларнинг яна мунаварлашгани Навоий ва салафи ғазалиётида талмиҳга асос бўлган⁸. Шоира Мискиннинг «Эй осийн, эй осийн, аз дутфу эхсон созамат...» сатрлари билан бошланувчи ғазалида Яъқуб пайғамбар фарзанди доғида доимо кўзлари ёшли эканлиги айтилади:

Он ҳазрати Яъқубро бар доғи фарзандаш мудом,

Аз ҳачри Юсуф доимо ман дийда гирён созамат[1; 56⁶варақ] .

Айюб алайҳиссалом – Шарқ адабиётида сабр ва умид тимсолларидан бири сифатида эътироф этилади. Айюб пайғамбар тимсоли Муслихабегим Мискин ғазалларида «Ҳазрат Айюб Собир» сифатида тилга олади. Манбаларда келтирилишича, Айюб алайҳис-салом такводор, камбағал ва етимларга ғамхўр, беваларга, мискинларга саховатли пайғамбар эканлиги билан алоҳида ажралиб туради. Табиатан айнан ушбу хусусиятларни улуғлаган Муслихабегим Мискиннинг ушбу тимсолга мурожаат қилиши бежизга эмасдир. Мусо – ислом, насронийлик ва яҳудийликнинг муқаддас китобларида номи зикр этилган пайғамбарлардан бири бўлиб, ер юзидаги мавжудотларни қатта бахтсизликдан омон сақлаб қолганлиги билан машхур.

Шоира Мискин шеърлятида Мусо тимсоли «Яҳёуллоҳи Мусо» сифатида таърифланади. Закариё (Зикриё) пайғамбар асосан халқни руҳлантириб, инсонларга умид бериб, уларни такво ва саждага қорлаган. Закариё шоира Муслихабегим Мискин ижодида Зикриё номи билан тилга олинади. Закариё инсонларни эзгу ишларни қилишга, қилган гуноҳлари учун афв сўрашга чақиради. Мискинда ҳам истифдор сўраш, умидсизланмаслик каби фазилатларни улуғлашга алоҳида эътибор қаратилади.

Довуд пайғамбар Қуръонда номи зикр этилган пайғамбарлардан бири саналади, шу билан бирга, Довуд ҳақида тафсилотлар яҳудийлик ва насронийлик диний адабиётларида ҳам учрайди, фақат ушбу образ мазкур манбаларда «Давид» номи билан талкин этилади.

Муслихабегим Мискиннинг «Яктараф дунён дун, журму исён яктараф» («Дунё дун бир тарафу, гуноҳу исён бир тараф») сатри билан бошланувчи 26 байтдан иборат ғазалининг дастлабки олти байтида 8 нафар пайғамбарлар, 1 нафар улар билан боғлиқ қуръоний қисса қаҳрамонлари ҳамда Лайлию Мажнун сингари адабий қаҳрамонларга талмиҳ қилиши Аллоҳга сидқий муҳаббат билан ибодат талкин этилган шоира шеърляти учун бу образлар муҳим бадий функция бажаришидан далолат беради:

Яктараф дунён дун, журму исён яктараф,

Яктараф ин умри кўтоҳ, доғи ҳичрон яктараф.

Оламу Ҳаво кучо шуд, Исою Марям қани,

Яктараф ин Юсуфу Яъқуби Канъон яктараф.

Ҳазрати Айюби Собир сабр қарда дар бало,

Яктараф Яҳёуллоҳу Мусон Имрон яктараф.

Зикриё ҳазрати Довуд пайғамбар қани?

Яктараф пайғамбарону Соҳибн Фурқон яктараф.

Волаю шайдо дар ишқи ту гашта мубтало,

Яктараф Лайлию он Мажнун нолон яктараф [2; 3⁶ варақ].

LITERARY CRITICISM

Таъкидлаш лозимки, ушбу ғазалнинг мактаъси ва бошқа байтларидаги айрим сўзларнигина таржима ва изоҳини келтириш ўзбек шеърхони учун ҳам тушуналишини таъминлайди. Зеро, шоира яшаган даврида Бухородаги ўзбек-тожик кўп тиллиги аксарият кишилар учун тушунарли саналган. Ғазал матлаъсида «*Дунёи дун бир тарафу, гуноҳу исён бир тараф, Бу қисқа умр бир тараф, ҳижрон доғи бир тараф*» мазмуни ўз ифодасини топган. Бунда шоир бу дунёнинг инсон учун синов майдони сифатида берилганига эътиборни қаратади. Айниқса, унда қисқа умрнинг бир тарафлиги билан ҳижрон доғининг бир тараф ҳолида қиёсланиши айнан дунёнинг синов майдони эканлигини эслатиб қўяди. Инсон умри қисқа бўлса-да, бу ғарибликда қолган дийдор талаб инсон учун дийдордан айрилиқ азоби бир тараф бўлиб кўнглини эзади. Шундан кейинги байтларда қуръоний қисса қаҳрамонларининг ҳаётига талмех қилиш билан шоира умрнинг ўткинчилигига ургу беради. Уларда Одам (а.с.) билан Момо Ҳавонинг қаерда қолганлигига Исо (а.с.) ва Марямнинг қаердалиги тасвиридаёқ шу қаҳрамонлар ҳаёти шеърхон кўз ўнгида гавдалана бошлайди. Яъқуб (а.с.)нинг ўғли Юсуф (а.с.)дан айрилганлиги кейинги мисраларда эсланади. Шу тариқа Яхё (а.с.), Мусо (а.с.), Зикриё (а.с.), Довуд (а.с.) қаердалиги хусусида таҷоҳули ориф бадий санъати воситасида риторик сўроқ қилиниб, уларнинг барчаси ўтиб кетганлиги яширин тасдиқланади. Навбат «Сохиби Фурқон», яъни Қуръон сохиби Муҳаммад (с.а.в.)га кеганида, барча пайғамбарлар бир тараф эканлигига «Сохиби Фурқон»нинг бир тарафлигини таъкидлаш билан Муҳаммад (а.с.)га Қуръон нозил қилиниши билан ислом динининг мукаммаллашувига эътибор қаратилади. Шунингдек, қуръоний қаҳрамонлар образларига мурожаат этишдан кўзланган адабий нияти Муҳаммад (а.с.) образини тўлақонли яратиш эканлигини сездириб қўяди. Кейинги мисраларда ошиқу умматига ғамхўр «Сохиби Фурқон»нинг ишқиди Лайли бир тарафу, нолон Мажнуннинг бир тарафлиги тасвирида ўзининг ҳам шундай ишқ билан яшаётганини маълум қилиб ўтади. Шоира дунёнинг ўткинчилиги бадий талқинида фаришталар образидан ҳам унумли фойдаланади. Айниқса, инсон вафотидан сўнг уни қабрда сўроқ қиладиган Мункар Нақир фаришта образини бадий ифодалаш билан адабий ниятини таъкидлашга муваффақ бўлади:

Меравад дар зери хоки тийра охир одами,

Яктараф Мункар Нақир қабри ларзон яктараф [2; 3⁶ варақ]

Мазмуни: *Охир-оқибатда одам тўпроқ остига кетади, Мункар Нақир бир тарафу, титраётган қабр бир тараф.*

Тахминан VII асрда яшаган Али ибн Абу Толиб ҳам Муслиҳабегим девонида алоҳида ургу берилган тимсоллардан бири ҳисобланади. Абу Толиб ўзига хос етакчилик хусусиятига эга бўлган, жанг ҳамда юришларда юксак маҳорат ва жасорат намоён этиб, нотиклик қобилияти билан ҳам ажралиб турган. Ислом такводдорлари уни тўрт халифадан бири сифатида эътироф этиб, баъзилар ҳатто илоҳийлаштириш даражасигача борадилар. Мискин ғазалларида тасвирланган Али тимсоли «Али Муртазо» тарзида тилга олинади ҳамда унинг мулоқотлари тасвири бадийлаштирилади. Хусусан, шоирнинг «Яқ ҳикоят ёд дарам аз расули инсу жон...» мисралари билан бошланувчи шеърини ҳикоятда Али ва Муҳаммад пайғамбар ўртасида мулоқот акс эттирилади:

Гуфт ҳазрат: «Ё Али, чун кори тоат дигар аст,

Қардани уммат дар ин соат шафоат дигар аст [2; 5⁶ варақ].

Мазкур ҳикоятнинг ўзида Мискин яна бир неча қаҳрамонларнинг номларини ҳам келтиради. Масалан, Али Муртазонинг турмуш ўртоғи, Муҳаммад пайғамбарнинг қизлари Фотима, фаришталардан Жаброил. Бу қаҳрамонлар шоира ҳикоятининг асосий иштирокчиларига айланади. Эътиборли жиҳати шундаки, Ҳазрати Абу Бакр Сиддик ва Ҳазрати Усмон сингари халифалар шоира томонидан «Ҳазрат» тарзида эъзозланади. Муслиҳабегим Мискиннинг Муҳаммад пайғамбарга бағишланган катор ғазал ва ҳикоятларида унинг завжаси Ойша розияллоҳу анҳу тимсолига мурожаат қилинади. Хусусан, Муҳаммад алайҳис-саломнинг вафотида бағишлаб битилган «Дар баёни вафоти Расул саллаллоҳу алайҳи ва саллам...» сарлавҳали ҳикояти бунинг ёркин намунасидир:

Ойша гуфто ки: «Ҳазрат натавон,

То ки натавонанд дар масҷид равон [2; 7⁶ варақ].

Муслиҳабегим Мискиннинг мазкур шеърини ҳикоятда пайғамбар алайҳис-саломнинг набиралари, Ҳазрати Али ва Фотиманинг ўғиллари Ҳасан ва Ҳусан тимсоллари ҳам шоира назаридан четга қолмаган.

Баъд аз он омад Ҳасан ҳам бо Ҳусайни Қарбало,

То нишастанд назди ҳазрат он ду боғи Муртазо,

Гуфтанд: «Эй бобо, ки тахте иуд пайдо аз ҳаво,

Ҳуфта буди ту ба болояш, аё садри сафо [2; 11⁶ варақ].

Шоира девонларида ўзига хос мавзулардан бири сифатида эътироф этиладиган яна муҳим бир

LITERARY CRITICISM

жикат – Мухаммад пайғамбар образининг ифодаланиши ва тасвирланиши билан боғлиқдир. Хусусан, «*Ки он пайғамбари олам ҳужо рафт...*», «*Дариго, сарвари олам аз ин дунё гузаит*», «*Он гули нав растаи мо охир аз ҷаҳон рафт*», «*Ҳар чун нозанини сар то қадам латофат*», «*Эи ҳичрони Мухаммад сад ҳазорон дийда гирёнаст*», «*Раҳм кун бар осийнат, ё Мухаммад*» каби мисралар билан бошланувчи ғазаллар Мухаммад пайғамбарга бағишланган. Уларда Мухаммад (а.с.)нинг дийдорларини жаннатда кўриш истаги билан битилган ошконалик, у зотнинг фазилатларини васф этиш, шафоатларига ноил бўлиш истаги ҳамда Аллоҳ ва мўминлар орасидаги элчи эканликлари бадний талқини устуворлик қилади. Шоира ғазалларида «Мухаммад», «Мухаммад Мустафо», «Расул» сингари сўзлар билан бир қаторда Мухаммад (а.с.) «шоҳи уммат» («умматнинг шоҳи»), «шоҳи пайғамбарон» («пайғамбарлар шоҳи»), «шаҳаншоҳи ду олам» («икки дунё шаҳаншоҳи»), «афзали пайғамбарон» («пайғамбарларнинг афзали»), «пушти паноҳи умматон» («умматларнинг пушти паноҳи») тарзида улуғланади:

*Эй шаҳаншоҳи ду олам, афзали пайғамбарон,
Дар ду олам ҳастии ту пушти паноҳи умматон* [2; 80^а варақ].

Мазмуни: Эй икки олам шаҳаншоҳи, пайғамбарларнинг афзали, икки оламда ҳам сен умматларнинг пушти паноҳисан.

Шоиранинг аксарият рубойларида Пайғамбар (а.с.)нинг шафоати боис гуноҳларда фориғ бўлишга уриниш, бунинг воқеяланиши учун Аллоҳга тазарруъ қилишда ҳам Мухаммад (а.с.) образидан унумли фойдаланилганлиги кузатилади:

*Ё раб, шафъи мо кун рӯзи жазо Мухаммад,
Аз лутф осийро сози гарикӣ раҳмат,
Бахшой чурми моро аз лутфи хеш, ё раб,
Ҷойи ҳама осий, ё раб, бекун ба ҷаннат* [2; 80^а варақ].

Мазмуни: Ё раб, жазо кун Мухаммад шафоатига бизни ноил қил. Лутфдан гуноҳкорларни раҳматга фарқ қил. Ё раб, хеш, Мухаммад (а.с.) лутфидан гуноҳларимиздан ўт, Ё раб, барча осийларнинг жойини жаннат қил.

Олдинги фаслда эътироф этилганидек, ушбу рубойда Пайғамбар (а.с.)ни «хеш» деб аталгани кузатилади. Шоира ғазалларида халифаи рошидон образлари ҳам Мухаммад (а.с.) васф этилиши жараёнида учраши тез-тез кузатилади. Шоиранинг «*Эй шоҳ, туйи аз ҳама кас сарвари аъло...*» деб бошланувчи мухаммасида тўртта халифа ҳам эътироф этилади:

*Эй подшоҳи, ҳар ду ҷаҳон, шоҳ Бу Баҳр,
Ёри ту бўвад ҳазрат Бу Баҳр ҳам Умар,
А севм бўвад Усмон, чаҳорум- шаҳи Хайдар,
Он шоҳи Хусайн-у Ҳасан- соқийи Кавсар.
Доранд зи ту умид шафоат ҳама фардо* [2;162].

Мазкур мухаммасда Муслихабегим пайғамбар Мухаммад Мустафонинг издошлари Бу Баҳр (Абу Баҳр)ни халифаларнинг каттаси, Умарни унинг давомчиси, учинчиси Усмон, тўртинчиси эса Хусайн ва Ҳасаннинг отаси Хайдар (Али)ни санаб ўтади.

Муслихабегим Мискиннинг «Иймон овардани Қусайр ибн Омир...» сарлавҳаси билан келтирилган форс-тожик тилидаги назмий ҳикоятда Ислоҳ дунёсининг қатор намоёндалари, қолаверса, пайғамбарнинг оила аъзолари ҳам тилга олинади. Мухаммад пайғамбар ва унинг хотини Оиша ўртасида савол-жавоб диалог шаклида келтирилади:

*Ушал кун Оиша дедикӣ: «Ё шоҳ,
Ки сизни қилди Ҳақ оламга бир Моҳ* [2; 140^б].

Ҳикоятда Оишанинг таърифича, Парвардигор бу оламга Мухаммадни Моҳ («Ой», «Нур») қилиб юборган. Ушбу ҳикоятнинг ўзида пайғамбарнинг хуёви Али – Али Муртазо, кизи Фотима – Фотимаи Заҳро, Али ва Фотиманинг ўғиллари Ҳасан ва Хусайнлар тўғрисида ҳам сўз боради.

Шоиранинг «*Оҳ аз ин дунёи фоний барно рафт, рафт...*» мисралари билан бошланувчи ғазалида бошқа пайғамбарларнинг номлари зикр қилиниб, бу дунёда ҳеч ким абадий эмаслигини, ҳаттоки, пайғамбарлар ҳам Аллоҳнинг ихтиёри билан бу фоний дунёни тарк этганликлари эътироф этилади:

*Оҳ аз ин дунёи фоний барно рафт, рафт,
Одамӯ Ҳаво чунон аз дори дунё рафт, рафт.
Ҷумла пайғамбарон Исо-ю Марям хани?
Оқибат онҷумлаги аз дори дунё рафт, рафт.
Ҳазрат Яъқуб ҳам бар доғи фарзандаш мудом,
Сўхт аз дарди гамаи охир зи дунё рафт, рафт* [4;49^б].

LITERARY CRITICISM

Шоира ғазалларида қуръоний қахрамонлар тилга олинганида, табиийки, Мухаммад (а.с.) уларнинг сардори, барча мўминларнинг шафоатчиси сифатида талкин этилиб, у зот билан лирик қахрамоннинг кўришиш истаги борлиги маънавий мухаббатнинг бир кўриниши сифатида талкин этилади. Ушбу ғазал матлабиде васф этилган барнонинг айна фоний дунёдан кетишига оқ чекилиши замирида ҳам ана шундай ошиқлик ўз ифодасини топган. Ғазалда радифнинг «рафт, рафт» тарзида маънони кучайтирилган ҳолда такрорланиши ачинаш хиссини янада оширишга имкон ҳосил қилган. Одаму Ҳавонинг бу дори дунёдан кетгани, бунда жумла пайғамбарлару, Исою Марямнинг кўринмаганлиги, оқибатда бу дори дунёдан барчанинг кетиб-кетиб қолгани тасвирлари шеърхонни мушоҳадага чорлайди. Шоиранинг фарзандларидан бирин-кетин ажралиши Юсуф (а.с.)дан айрилиб, ғам уйига қолган Яъқуб (а.с.) қисматини кўнглига келтиришига омил бўлади. Шу бонс у бу қуръоний қахрамонларга тез-тез мурожаат қилади. Ҳазрати Яъқубнинг фарзанд доғида мудом ғам дардида ёниб, бу дунёни охири тарк этгани шоира қисматини хотирга келтираверади. Мискин ушбу ғазалда Зикриё (Закариё), Аюб (а.с.) каби пайғамбарларни ҳам эслаб ўтиб, дунёнинг ўткинчилигидан огоҳликка чақиради.

Муслихабегим Мискин назмийатида ислом олами, пайғамбаримиз Мухаммад алайҳиссалом ва унинг саҳобалари, аҳли байти мадҳи билан боғлиқ диний-фалсафий мавзулар салмоқли ўрин тутати. Албатта, шоира нафақат ижодкор, балки ўз назмий асарларида баъзида асосий қахрамондир, бироқ мисралардаги «ман» ва «мен» тимсоллари доимо индивидуал характерга эга бўлиб қолмай, шу ҳолатдаги барча инсонларни мужассамлаштиради. Исломдаги итоаткорлик, истиғфор сўраш, сабр ва эзгу амал ижодкорнинг ижодида бутун бўй-басти билан гавдаланади. Ҳазрат Бобойи Самосий, Хўжаи Убон, Ҳазрати Оғойи Бузург, Ғавсул Аъзам каби образлар Мискин девонларида салмоқли ўринни эгаллаган тарихий шахслардир.

Муслихабегим Мискин Накшбандия тарикатига эътиқод қўйган, ҳаёти давомида сабру тоқат юксак инсоний фазилат эканини амалда исботлаган. Шу бонс ҳам у пирлардан саналган Бобойи Самосий номини ҳам эҳсан экитром билан тилга олади. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, шоира накшбандия тарикатининг вакили Бобойи Самосий кадамжосига жуда кўп ташриф буюрган. Бу зиёратгоҳ Бухоро вилояти Ромитан туманида жойлашган. Самосий, Хожа Мухаммад Бобойи Самосий – хожагон-накшбандия тарикатининг йирик намоёниси, бухоролик етти пирнинг бешинчиси. «Ин ғазал аз баройи Бобойи Самосий...» («Бу ғазал Бобойи Самосий ҳақида») сарлавҳали қуйидаги ғазал фикримизнинг далилидир:

*Омадам баҳри зиёрат ин замон дар остон,
То шавад осон маро ин мушқили бор гарон.
Дардмандам, мустамандам баҳри дармон омадам,
Як назар созед маро, эй офтоби ду ҷаҳон.
Осиям, бечораам дорам ба дил шармандаги,
Зи он ки он ҳоли табоҳам бар шумо бошад аён.
Омадам, эй ҳазрати Бобо, ман аз баҳри даво,
Зи раҳи ихлос бениҳодам сари ҳуд остон.
Бекасу саргаштаю ҳайрону музтар мондаам,
Меҳнам ҳар рӯзу шаб ман нолаю оҳу фиғон.
Мискини бечораам – афтода дар гирдобии ғам,
Раҳм ҳун бар ҳолиман, ё раб ба ҳаққи наздигон. [2:12^о Ҳарак].*

Мазмуни: Бу замон кўп миқдорда ёғилдиган мушқулим осон бўлсин деб, зиёрат учун остонасига келдим. Дардлиман, қайғулиман, дармон истаб келдим. Икки жаҳон офтоби менга назар солинг. Осиёман, бечораман, кўнглимда шармандалиқ бор, токи хароб бўлган аҳволим сизга аён бўлсин. Эй Ҳазрати Бобо, даво истаб, ихлос қилиб остонага келдим. Қимсасиз, саргардону, ҳайрону, ночор қолдим. Қуну тун мен нола ва оҳу фиғон қиламан. Ғам гирдобиида қолган дармонсиз, бечора, фақирман. Ё Раб, суюқликларинг ҳаққи менга ҳам раҳм қил.

Мўмин ҳар қандай истагини Аллоҳдан сўраши керак. Ушбу ғазални ўқиш жараёнида, шоиранинг бу борадаги қарашларида ноқислик бор, деган фикр кўнгилдан ўтади. Бироқ ғазал мактабиде нажотни Аллоҳдан сўраб, суюқликларни робита сифатида келтиргани у ҳақидаги фикрнинг тамомила ижобий томонга ўзгаришига сабаб бўлади.

Муслихабегим Мискин Ислом оламида таниқли бўлган арбоблар қаторида ўзи пир сифатида этироф этган, халқ орасида Ғавсул Аъзам ёки Мўҳийиддин Пиридастегир номлари билан машҳур бўлган Абдулқодир Жилоний ҳақида ҳам ёзади, барча назмий асарларида бўлгани каби унга ҳам юксак эҳтиромни намоиши этган ҳолда мурожаат қилади. Шу ўринда ушбу шахс ҳақидаги маълумотларни умумлаштирган ҳолда қуйидагиларни маълум қилиш ўринлидир.

LITERARY CRITICISM

Тўлиқ исми Абу Муҳаммад Муҳйиддин Абдулқодир ибн Абу Солиҳ Абдуллоҳ бўлиб, оталари Абу Солиҳ бинни Мусо Жангидўст шариф Ҳазрати Ҳасан (р.а) авлодларидан, оналари Уммихайр Фотима саййида бинни Абу Абдуллоҳ Ҳазрати Хусайн (р.а.) авлодларидандир.

Ислоҳ дунёсининг ақтоби арбаа (тўрт қутби)га мансуб бу зот қодирӣлик тариқатининг муассиси бўлган. Бу тариқатнинг бош дастури "маишуллик ила фориглик" (ўзинг дунё билан маишул бўлган пайтда дилинг ундан фориг бўлсин)дир. «Аҳд» билан қирилмоғи лозим бўлган бу тариқат Миср, Андалус, Шом, Бағдод, Онадўли, Марказий Осиё ва Ҳиндистон ҳудудларида тарқалган. Ҳазрати Навоийнинг ёзишича, «Шайх Муҳйиддин Абдулқодир Жилий кароматлари тавотур (узлуксиз)... жаҳон шайхларининг бирортасига бундай кароматлар зоҳир бўлмаган».

«Ғавсу-л-Аъзам» исмила маишул бўлган Шайх Ҳазратлари Мусо бинни Юнуний, Нуриддин Али Шаттанафий, Муҳаммад Тодафий, Муҳаммад Дилоий, Ибн Ҳожар, Мулуқшоҳ Сиддиқий, Муҳаммад Мир Олим, Шароий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Хожазода Аҳмад Ҳилмий каби уламоларнинг тазкира ва мақомотларида зикрланган.

Ҳазратнинг «Ал-Ғунйату ли-толиби тариқул-Ҳақ», «ал-Ғатҳу-р-Раббоний вал-Ғайзу-р-Раҳмоний» («Ситтин мажолис»), «Ғутҳу-л-Ғайб», «Ҳизби башару-л-хайрот», «ал-Мавоҳибу-р-Раҳмонийа вал-Ғутҳу-р-раббонийа...», «Жалоу-л-Хоту», «Йавоҳуту-л-Ҳикам», «Девони Ҳазрати Ғавсу-л-Аъзам» («Ғазалиёти Муҳйи») каби асарлари маълум [5;13-б].

«Нигар ки зори мустарам, ё шох Муҳйиддин вали ...» мисраси билан бошланувчи ғазалида шоира Ғавсу-л-Аъзамга мурожаат қиларкан, унинг дийдорига муштоқ эканлигини, фироқда кўзлари ёш эканлигини ошкор этади:

*Нигар ки зори мустарам, ё шох Муҳйиддин вали,
Аз ғурқатат чашим тарам, ё шох Муҳйиддин вали.
Ҳам дардмандам ҳам ғариб шоҳо туйи бар ман табиб,
Дийдори ҳудро кун насиб, ё шох Муҳйиддин вали [2;79^б варақ].*

Шоира ўзини дардманд ва ғариб сифатида тавсифларкан, пирини шох ва табиб санаб, ундан даво истади. Табиийки, бу даво кўнгил изтиробларига малҳам бўлгулик рухий яқинликдир. Кейинги мисраларда ҳам айнан ушбу моҳиятни сақлаб қолган ҳолда, шоира Абдулқодир Жилонийни Муҳаммад пайгамбарнинг кўзларидаги нур деб эътироф қиларкан, уни авлиёларнинг аълоси нисбати билан ҳам мактайди:

*Эй нури чашим Мустафо, эй дардмандонро даво,
Эй афзали қул авлиё, ё шох Муҳйиддин вали [1;79^б варақ].*

Мискиннинг «Моро хон аз сакон, эй шох, қамолатро намо, эй моҳ ...» мисраси билан бошланувчи ғазалида Абдулқодир Жилонийнинг энг асосий хислатига урғу берилади, шоира унинг дардларни бартараф этувчи, кишиларнинг мушкулани осон қилувчи хожатбарор сифатида тасвирлайди:

*Мисоли мурғи ним бисмил зи шиқат мубатало ин дил,
Ки дорам қиссаи мушқил, аё маъшуқи раббоний [1;76^б варақ].*

Мазкур мисраларда шоиранинг ўзи муаммолар гирдобда эканлигини, мушкул киссаси борлигини билдириб, ўз пирига юзланади. Кейинги мисраларда эса ундан кўмак сўрайди, мушкулани осон қилишини сўрайди.

*Беҳун ҳал мушқили моро раво кун ҳожати моро,
Назар кун сўйи ман, шоҳо, аё маъшуқи раббоний [1;76^б варақ].*

Бундай илтижолар замирида васф этилаётган манзурнинг «маъшуқи раббоний» эканлиги назарда тутилади.

Мумтоз шоирлар ижодида кузатилгани сингари Муслихабегим Мискин шеърятининг ҳам асосий образи лирик қаҳрамон шоиранинг ўзидир. Унинг ҳасби ҳол мавзусида битилган асарлари таҳлилида кўриб ўтилганидек, шоира ўз шеърларида асосан муштипар она киёфасида намоён бўлади. У тақдирдоши шайх Абдулвоҳид образини, гарчи ҳаётлиги давридаёқ ундан айро яшашга мажбур бўлган эса-да, доно, донишманд, оқил, тоату ибодатда собит шахс сифатида тасвирлайди. «Юсуфи соний» дея таърифланган ўғли Хусайн, «*аҳли хулқу, ширин суҳану, зебою порсо*» тарзида васф этилган кизи ва 2-3 яшарлигида вафот этган ўглини бот-бот эслаб шеърлар ёздики, шоира шеърятида бу образлар унинг ҳасби ҳолининг бадиий ифодасида муҳим ўрин эгаллайди. Бу айрилик азоблари лирик қаҳрамоннинг нолон булбулу жунжунор Мажнун образларига киёслашга омил бўлади.

Муслихабегим Мискин шеърятининг асосини сидқан тоат-ибодат талқини, Аллоҳ ва унинг расулига нисбатан дийдор талаблик мотивлари ташкил этади. Шу боис у Муҳаммад (а.с.) образини шеърятининг лирик қаҳрамонидан кейинги асосий образига айлантиради. Одам (а.с.) ва Ҳаво, Яъқуб (а.с.), Юсуф (а.с.) ва Зулайхо, Аюб (а.с.), Мусо (а.с.), Довуд (а.с.), Исо (а.с.) ва Марям, Зикриё(а.с.),

LITERARY CRITICISM

Иброхим (а.с.) синагри пайгамбарлар ва улар билан эсланадиган қуръоний кисса қахрамонлари, Абу Бакр, Умар, Усмон, Аллий Муртазо, Пайгамбар (а.с.) ахли байтларидан Ойша, Фотима, Ҳасан, Ҳусан, саҳобалардан Уқоша сингари қахрамонлар образлари Муҳаммад (с.а.в.) васф этиш ва дунёнинг ўткинчилигини бадий ифодалашда шоира учун муҳим поэтик вазифани бажаради. Баъзан қўлланувчи Мункар Накир, Жабронд, Азроил сингари образлар ҳам ушбу ғоялар талқинига хизмат қилдирилади.

Хулоса. Шоира шеърятда Юсуф (а.с.) Муҳаммад (а.с.) образидан кейин энг кўп мурожаат этилган пайгамбар образи саналади. Яъқуб (а.с.)нинг ўғлидан айрилиб, ғам уйида изтироб чекиши билан шоира Юсуфсифат фарзандларидан айрилганлиги орасида уйғунлик кўради. Ана шундай бадий лавҳалар тасвирида шоира бу икки пайгамбар образидан икковий фойдаланади. У ўрни билан Вомиқ, Узро, Фарход, Ширин, Лайли, Мажнун сингари анъанавий адабий қахрамонларга мурожаат этиб, Муҳаммад (с.а.в.) ва Ғавсул Аъзам – Абдуқодир Желоний, Оғойи Бузург – Қизибди, Бобойи Самосий сингари пирларга бўлган маънавий мухаббатини бадийлаштиради. Номлари келтирилган пирлар образи ҳам шоира шеърятнинг муҳим қахрамонларидир. Улар воситасида Муслихабегим Минскининг аччиқ қисмати ўқувчига бадий талқин этилиши билан улар робитасида Аллоҳнинг лутфи сазовор бўлиш истаги бадий талқин этилади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги қўлёзмалар фонди. *Инв.1277. -1326.*
2. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги қўлёзмалар фонди. *Инв.1962. -2736.*
3. Қобилов У. Ўзбек адабиётида қўбўват мотиви ва образлари талқини. Филология фанлари доктори диссертацияси автореферати. – Самарқанд. 2019. –Б.22.
4. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги қўлёзмалар фонди. *Инв.972/1. -2736.*
5. *Ислом тасаввуфи манбалари. Тасавуф назарияси ва тарихи. . – Тошкент, -2005. - . –Б.13.*
6. Садиқова Д. *Muslihabegim Miskin Appeals to Historical Person-Nasrat Agoyi Bizung //Центр научных публикаций (buxdu. uz). – 2021. – Т. 8. – № 8.*
7. Садиқова Д. *Muslihabegim Miskin–XIX asr Buxoro adabiy muhitining iste’dodli zullisonayn shoirasi //Центр научных публикаций (buxdu. uz). – 2021. – Т. 8. – № 8.*
8. *Tuzumova S. D., Primovich E. H. Muslihabegim miskin-alisher navoi’s follower.*
9. *Eshonqulov H. Alisher Navoiy oshigona g’azallarining badiiy qurilishiga oid o’ziga xosliklar //Центр научных публикаций (buxdu. uz). – 2021. – Т. 3. – № 3.*
10. *Eshonqulov H. Alisher Navoiy oshigona g’azallarining badiiy qurilishiga oid o’ziga xosliklar //Центр научных публикаций (buxdu. uz). – 2021. – Т. 3. – № 3.*
11. *Dartmon U., Rano R., Dilshod R. The stylization of prose tales in Uzbek children’s literature //Religación: Revista de Ciencias Sociales y Humanidades. – 2019. – Т. 4. – №. 18. – С. 170-174.*
12. *Rajabova R. Ўзбек Болалар Адабиётида Фольклор Жанрлари Стилизацияси //Центр научных публикаций (buxdu. uz). – 2021. – Т. 8. – № 8.*
13. *Norova N. Tradition and innovation in Usmon Kuchkor’s poems //Scientific reports of Bukhara State University. – 2021. – Т. 5. – № 3. – С. 100-111.*
14. *Vaxtiyorgina N. N. Usmon Qochqor lirikasida muhabbat mavzusining talqini: DOI: 10.53885/edinres. 2021.71. 75.119 Norova Nasiba Vaxtiyorgina, BuxDU O‘zbek tili va adabiyoti kafedrasida tayanch doktoranti (O‘zbekiston) //Научно-практическая конференция. – 2022.*
15. *Toraeva U. R. Definition and research methods of uzbek modern literature //Current research journal of philological sciences (2767-3758). – 2021. – Т. 2. – №. 10. – С. 104-107.*
16. *Toraeva, Umriniso Rahmatovna. "Definition and research methods of uzbek modern literature." current research journal of philological sciences (2767-3758) 2.10 (2021): 104-107.*
17. *Rakhmiddinova S. Z. Chu jilva ayldi ul husn istabon oshiq.. //scientific reports of bukhara state university. – С. 132. Бекова Н. Ж., Сайлиева З. Р. "Девони Фони": издания и исследования //Филология и лингвистика в современном обществе. – 2014. – С. 20-22.*
18. *Бекова Н. Ж., Жалилова Л. Ж., Сайлиева З. Р. On a separate literary sources of the poetry collection "Sittai Zarifiya" by Alisher Navoi //Современная филология. – 2014. – С. 45-47.*
19. *Тораева Л.О. Artistic and compositional features of harvest songs//Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR) 2021. - С. 629-634.*
20. *Отонюва Т. L. Artistic understanding of peasant life in proverbs //Eurasian Journal of Humanities and Social Sciences. – 2022. – Т. 9. – С. 47-49.*